

Ҳадис дарслари (47-дарс). Огоҳ бўлинглар, бу дунё орқада қолиб кетади



19:35 / 22.08.2019 6240

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Донни ёрган ва жонни халқ қилган Зот билан қасамки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга мени фақат мўмингина яхши кўришини ва фақат мунофиқгина ёмон кўришини аҳд қилганлар».

Муслим, Термизий ва Насайлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ровий – амирул мўминин Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоллари билан танишиб олайлик:

Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмуттолиб ибн Ҳошим ал-Қурайший хулафои рошидиннинг тўртинчиси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларининг ўғилларидир. Оналари – Фотима бинти Асад ибн Ҳошим ибн Абдуманоф. Кунялари Абул Ҳасан. Ҳазрати Али милодий 600 йилда Маккаи Мукаррамада таваллуд топдилар. Бирор марта ҳам бутларга сиғинмаганликлари ва жоҳилият ифлосликлари билан хулқланмаганликлари сабабли «Каррамаллоҳу ваҷҳаҳу» (Аллоҳ унинг юзини мукаррам қилсин) деб сифатланадилар.

Ҳазрати Али ёшлик пайтларида доимо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлиб, бирга овқатланар эдилар. Бунга сабаб шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толибнинг

фарзандлари кўп эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари Аббосга қарата «Эй амаки, акангиз Абу Толибнинг болалари кўп. Кўриб турганимиздек, ҳозир ризқда, яшашда кўп қийинчиликлар бўлиб турибди. Абу Толибнинг ҳузурига бориб, болаларидан келадиган ташвишини бир оз енгиллатайлик», деб айтдилар. Шунда улар бориб, Аббос Жаъфарни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса Алини олдилар. Мана шундан кейин Али Расулуллоҳ билан бирга яшай бошладилар.

Ҳазрати Али Расулуллоҳ набий қилиб юборилганларидан кейин ёш болалардан биринчи бўлиб **иймон** келтириб, Исломни қабул қилганлар. Ана шу вақтда ёшлари ҳали саккиздан ўтмаган эди. Анас ибн Молик айтадилар: «Душанба куни нубувват келган, сешанба куни Али Исломга кирган».

Али ибн Абу Толиб ҳамма жанглarda иштирок этдилар, фақат Табук жангида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу зотни аҳли байтларига бошлиқ қилиб кетганликлари сабабли иштирок эта олмадилар.

Али шижоатли, сўзда фасоҳатли, илмли, ахлоқли, сабрли, адолатли, ҳилмли, иффатли, тақводор, дунёда зоҳид, тавозуъли ва мусулмон йигитлар орасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга энг яқин киши эдилар. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен илмининг шаҳри бўлсам, Али унинг эшигидир», деб айтдилар.

Али каррамаллоҳу важҳаҳу араблар орасида шижоатли, ботир паҳлавонлардан эдилар. Бадр жангида мушриклар бошлиғи бўлган Валид ибн Утбани ер тишлатдилар. Уҳуд жанги куни байроқ кўтарган саҳоба Мусъаб ибн Умайр ўлдирилганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам байроқни ҳазрати Алига топширдилар. У киши Хайбарни фатҳ этишда ҳам жуда кўп жонбозликлар кўрсатганлар. Ўшанда ёшлари ҳали йигирмадан ўтмаган эди.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эртага жангда байроқни бир кишига бераман, Аллоҳ ва Расули уни яхши кўради ва у ҳам Аллоҳ ва Расулини яхши кўради», деб айтдилар. Эртасига ҳамма саҳобалар ўша киши ўзлари бўлишини умид қилишганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Алини сўраб қолдилар. Саҳобалар Алининг кўзлари оғриётгани ҳақида хабар беришди. Расулуллоҳ у кишининг ҳузурларига борганларида ҳақиқатда кўзлари оғриган эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак қўлларини Алининг кўзларига теккизиб, дуо қилдилар ва кўзлари шифо топди.

Кўп саҳобалар Алининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидаги мақомларида бўлишни орзу қилишар эди. Аллоҳ Расулуллоҳ билан Алининг мақомларини худди Мусо алайҳиссалом билан Ҳорун мақомидек қилди. Али каррамаллоҳу важҳаҳунинг ниҳоятда чиройли бир сўзлари борки, у бизларга ўрнак бўларлидир: «Менинг қўрқадиган нарсам ҳавои нафсга тобеъ бўлиш ва узун орзулар қилишдир. Ҳавои нафсга тобеъ бўлиш ҳақдан қайтаради. Узун орзулар эса охиратни эсдан чиқартиради. Огоҳ бўлинглар, бу дунё орқада қолиб кетади. Охират эса олдингизга чиқиб, кутиб олади. Сизлар охиратнинг боласи бўлинглар, дунёнинг боласи бўлиб қолманглар. Бу кунда амал бору, ҳисоб йўқдир, эртага эса ҳисоб бору, амал йўқдир».

Али каррамаллоҳу важҳаҳу ҳижратнинг иккинчи йилида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотима онамизга уйландилар. Ҳазрати Али Фотима онамиздан ва бошқа хотинларидан ҳаммаси бўлиб, ўн тўрт ўғил, ўн тўққизта қиз фарзанд кўрдилар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу 586 та [ҳадис](#) ривоят қилганлар. У зотдан кўп кишилар, жумладан, ўғиллари Ҳасан, Ҳусайн, Муҳаммад, Умар ҳамда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абу Мусо Ашъарий, Абу Саъид Худрий, Абу Рофиъ, Суҳайб, Зайд ибн Арқам, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Ҳурайра, Жобир ибн Самура, Баро ибн Озиб, Жарир ибн Абдуллоҳ ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Тобеъинлардан Саъид ибн Мусаййиб, Қайс ибн Ҳозим, Алқамма ибн Қайс, Абу Асвад Жаулий, Аҳнаф ибн Қайс, Шурайҳ ибн Ҳоний ва бошқалар ривоят қилишди.

Мўминларнинг амири Али ибн Абу Толиб масжидда имом бўлиб турганларида хаворижларнинг одами бўлган Абдурраҳмон ибн Мулжам томонидан қилич билан урилиб, шаҳид бўлдилар. Бу ҳодиса ҳижратнинг 40-йили, Рамазон ойининг 23-куни, жумъа кунида содир бўлди. Бу пайтда у зот 63 ёшда эдилар.

Бу ҳадис Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўчирма гап шаклида эмас, балки у зотнинг гапларини ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг иборалари билан ифода этиш орқали ривоят қилинмоқда.

Албатта, саҳобаи киромларнинг ҳар бирлари улуғ инсонлардир. Уларнинг саҳобалик шарафларининг ўзи ғоят улуғ мартаба. Қолаверса, уларнинг ҳар бирлари [Ислому](#) учун қанчадан-қанча хизмат қилган зот ҳисобланадилар.

Шу билан бирга, уларнинг ичида алоҳида мақомга эга бўлганлари ҳам бор. Шулардан ўн кишига Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннатнинг башоратини берганлар. Ўша саодатманд зотлардан бири ҳазрати Алидирлар. Мазкур ўнликдан тўрт халифа яна алоҳида ажралиб турадилар. Тўрт халифанинг бири ҳам ҳазрати Алидирлар. Ҳазрати Алининг Ислом учун қилган хизматлари жуда катта. Бунинг устига, у киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтларидан эдилар – амакиларининг ўғиллари, куёв ўғиллари, яъни аҳли жаннатнинг саййидаси Фотимаи Заҳронинг эрлари, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайннинг оталаридирлар. Шунинг учун фақат мўмингина у кишини севиши ва фақат мунофиқгина у кишини ёмон кўриши ажабланарли эмас.

Ушбу ҳадиси шарифдан кўриниб турибдики, муайян бир шахсга муҳаббат қилишнинг ҳам иймон ва мунофиқликка дахли бор экан. Ҳа, ҳамма нарса иймон ўлчови билан ўлчанганда шундай бўлади. Кишини мансаби, пули, моли ёки бошқа нарсалари учун эмас, иймони учун, динга қилган хизматлари учунгина севилади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан